

Набий алайҳиссаломни ҳимоя қилган ит қиссаси



14:00 / 16.12.2022 2375

Насронийлар мўғил қабилаларини насроний динига киритиш учун даъватчиларини юборишар эди. Туғёнкор золим Хулоқухон ўзининг насроний хотини Зафархотун сабабли насронийларга даъват йўлини очиб берар эди. Бир куни мўғилларнинг амирларидан бири насронийликни қабул қилгани сабабли уюштирилган катта тантанага насронийларнинг бошлиқларидан бир жамоаси ташриф буюрди.

Насроний даъватчилардан бири Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни сўка бошлади. У ерда ов ити боғланиб турарди. Насроний даъватчи Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳақорат қила бошлаганда ит қаттиқ безовталаниб, вовуллай бошлади. Сўнгра насронийга ташланиб, уни қаттиқ тирнади. Қийинчилик билан уни қутқариб олишди. Шу ерда ҳозир бўлганлардан бири: «Итнинг бундай қилиши Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи

васаллам ҳақида айтган гапинг учун бўлди», деди.

Насроний: «Йўқ, бу ит қайсар ит экан. Қўлим билан ишора қилаётганимни кўриб, мени уради деб ўйлади ва шунинг учун менга ташланди», деди. Сўнгра яна Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни баттар сўка бошлаган эди, Ит боғичини узиб юборди ва насронийнинг бўйнига ташланиб, унинг бўғзидан юлиб олди. Шу ондаёқ насроний ўлди. Бунинг сабабидан мўғиллардан қирқ мингтаси Исломни қабул қилишди.

Бу воқеани Аллома ибн Ҳажар Асқалоний «Ад-Дурарул камина» номли китобида келтирган.

Аллоҳу акбар! Ҳайвонлар ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақорат қилишини кўтара олмас экан!!!

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни истехзо қилганлар ана шундай аянчли ўлим топадилар. Қуйидаги оятлар сўзимизнинг тасдиғидир:

«Албатта, биз сизни масхара қилувчиларни (жазолаш учун) кифоя қилурмиз» (Ҳижр сураси, 95-оят).

«Аллоҳ ўз бандасига (яъни, Муҳаммадга уни асрашда) етарли эмасми?!» (Зумар сураси, 36-оят).

«Албатта, ғанимингизнинг ўзи (барча яхшиликлардан) маҳрумдир» (Кавсар сураси, 3-оят).

«Албатта, Аллоҳ ва унинг пайғамбарига озор берадиган кимсаларни Аллоҳ дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатлар ва улар учун хор қилувчи азобни тайёрлаб қўйгандир» (Аҳзоб сураси, 57-оят).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Албатта Аллоҳ таоло: «Кимки менинг дўстимга душманлик қилса, Мен унга уруш эълон қилурман», деди».

Имом Бухорий ривояти.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангиз то мен унга ота-онаси, фарзанди ва жамики инсонлардан кўра суюклироқ бўлмагунимча ҳаргиз (комил) мўмин бўла олмайди», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Қудратуллоҳ Сидиқметов